



ТОШКЕНТ ҲАҚИЯТИ

2009 йил
23 декабрь
ЧОРШАНБА
№ 102
(12.218)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Фармон ва ижро

ТЕКШИРУВЛАР КАМАЙИБ, САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссияси томонидан 2009 йилнинг ўтган даврида текширишларни тартибга солишга қаратилган тадбирлар давом эттирилди. Ҳўжалик субъектлари фаолиятига асосан аралашувларнинг олди олиниши, хусусий тадбиркорлик тизимида фаолият юритаётган корхоналарнинг манфаатлари қўзланган ҳолда уларни қўллаб-қувватлаш, текширишларнинг қонунчилик талабларига мувофиқ ташкил қилиниши ҳамда ўтказилишига қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди.


Ўтган давр давомида вилоят, шаҳар ва туманлар бўйича тузилган назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссияларнинг ташаббуслари билан жойларда жами 112 та семинар-йиғилиш, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди. Ҳудудий ишчи комиссияларнинг жами 80 та йиғилиши ўтказилиб, республика Кенгаши ҳамда вилоят комиссиясининг қарорлари ўрганиб чиқилди, уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган зарур тадбирлар режаси тасдиқланди. Шу билан бирга ҳудудлардаги айрим назорат идораларининг текширишларни тартибга солиш борасида амалга ошираётган ишлари таҳлил қилиниб, комиссияларнинг асосий иш йўналишлари белгилан олди.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят ҳудудий комиссиясининг ўтган йилида республика Кенгашининг йиғилиш қарорлари, ҳисобот даврлари якуни, Юрричирчиқ ва Ўрта-чирчиқ туманлари ҳокимларининг ҳамда вилоят алоқа инспекцияси, дарётранс агентлиги бошлиқларининг ҳисоботлари муҳокама қилинганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги Фармони билан тасдиқланган дастурга асосан 2009 йилда ҳўжалик юритувчи субъектларида ўтказилаётган текширишлар 30 фоизга қисқартирилиши белгиланган эди. Шунингдек, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг 2009 йил 10 мартдаги йиғилишида ҳам шу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Рустам ХОЛИМОВ,
назорат қилувчи
органлар фаолиятини
мувофиқлаштирувчи
вилоят ҳудудий
комиссияси раиси.

2010 йил – Баркамол авлод йили



Оиладаги соғлом муҳит – фарзандларнинг ҳар томонлама етук, жамиятимиз учун муносиб инсонлар бўлиб етишишнинг биринчи шартидир. Давлатимиз раҳбарининг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ёш авлодини жисмонан ва маънан баркамол вояга етказишга қаратаётган юксак эътибори мамлакатимиз келажаги учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Насимиз соғлом бўлса, фарзандларимиз баркамол бўлиб вояга етса, эртанги кунимиз янада нурафшон, ҳаётимиз эса бунданда фаровон бўлиши шубҳасиз.

Даврон АХМАД
олган сурат.

ЯНГИ ИНТЕРНЕТ-НАШР

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий соҳалар, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш юзасидан кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжат асосида 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

"СИБ GROUP" компанияси мамлакатимиз ва хорижда ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишини янада кенг ёритиш мақсадида интернет тармоғида янги лойиҳа – "СИБ.UZ" ахборот-таҳлил интернет-нашрини жорий қилди. Ушбу нашрни www.sib.uz манзили бўйича топиш мумкин.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "UNICON.UZ" маркази ва БМТ Ривожланиш Дастурининг "Ўзбекистонни ривожлантириш учун ахборот-коммуникация технологиялари сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматида қўмаклашиш" лойиҳаси

ёрдамида ташкил қилинган мазкур янги нашрнинг вазифаси барча манфаатдор шахсларга ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида долзарб ахборот ресурсларидан кенг фойдаланиш имконини яратишдан иборат.

Ушбу интернет-нашрда тақдим этилаётган материалларда иқтисодиётнинг ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилаётган барча жабҳалари қамраб олинади. Нашрни тарқатиш географияси фақат Ўзбекистон билан чекланмайдиган. Ахборот ва таҳлилий материалларни тайёрлашга тегишли тармоқларнинг тажрибали мутахассислари жалб этилади.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини
ўтказувчи 84-Тўйтепа округ сайлов комиссияси
таркибига ўзгартаришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги Қонуни 11, 12, 16-моддаларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Юнусов Миразиз Мираззамович Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинганлиги сабабли, 84-Тўйтепа округ сайлов комиссияси аъзоси вазифасини бажаришдан озод қилинсин.

Марказий сайлов
комиссияси Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ.

Тошкент шаҳри, 2009 йил 18 декабрь.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

Сайловларга санокли кунлар қолди. Сайловолди тайёргарлик ишлари ҳал қилувчи босқичга кўтарилиб, шаҳар ва қишлоқларда сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кен-

гашларига кўрсатилган номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари кизгин давом этапти. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Тадбиркорлар ва иш-

билармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Оққўрғон туман кенгаши Халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига 30 та сайлов округидан кўрсатган 74 номзод

Бу жараёнга оид материалларни газетамизнинг 2-саҳифасида ўқинг.

Ёнғун хавфсизлиги ойлиги

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ республикамиз ҳудудида 2009 йилнинг 23 ноябидан 23 декабрга қадар "Ёнғун хавфсизлиги ойлиги" эълон қилинган.



ТАРТИББУЗАРЛАРГА ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Бу муҳим тадбирни намунали ўтказиш учун Тошкент тумани ички ишлар бошқармаси ёнғун хавфсизлиги бўлини маси ходимлари томонидан 36 та корхона, 9 та кўп қаватли уй ва 4500 шахсий хонадонларнинг ёнғунга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Тадбир натижасида 30 та носоюз, ёнғун чиқиш хавфи бўлган газ ва электр қу-

рилмалари ўчирилиб, фойдаланиш тақиқланди. Ёнғун хавфсизлиги қоидаларини бузган ўн беш шахсга 53 минг 699 сўм жарима солинди, – дейди туман ёнғун хавфсизлиги бўлини маси бошлиғи А. Авазов. – Текширувлар мобайнида табиий газдан ноқонуний фойдаланаётган урта шахсий иссиқхонадаги иситиш тизимлари

тўхтатилди. Шунингдек, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланган икки фуқаронинг электр тармоқлари узиб қўйилди ва туман электр тармоғи идорасига қонуний чора кўриш тавсия этилди.

Учқун ХАМДАМОВ.
СУРАТДА: ойлик доирасида ўтказилган тадбирдан лавҳа.
Даврон АХМАД
олган сурат.

Ўқув машқи

ҲУШЁРЛИК КУНДА КЕРАК

"Офат рўй бермай туриб, унинг олдини олган афзал", дейдилар. Мамлакатимиз аҳолиси тинчлиги ва оқолини таъминлаш, уларни рўй бериш эҳтимоли бўлган турли кўнгилсизликлардан муҳофаза қилиш, профилактик ишларни кучайтириш борасида бир қанча хайрли тадбирлар амалга оширилаётгани боис ноҳус ҳодисалар камайишига эришилмоқда.

Шу кунларда пиротехника воситалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда ёнғун хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўқув машқлари ўтказилляпти.

Яқинда "Олмалик конметаллургия комбинати" очик акциядорлик жамиятидаги "Металлург" маданият саройи ва санаторий-профилакторийда "Олмалик шахрининг аҳоли гавжум

масканларида ёнғун билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ҳудудий куч ва воситаларнинг ҳамкорлигидаги ҳаракатлари" мавзусида кўргазмали махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди. Олмалик шаҳар фуқаро муҳофазаси хизматлари куч ва воситаларнинг кўриги билан бошланган тадбирда ёнғун хавфсизлиги хизмати, авария-қутқарув отряди ҳамда "ОКМК"нинг фуқаро муҳофазаси отряди, шунингдек, шаҳардаги бошқа хизматлар вакиллари иштирок этишди.


Маданият саройининг концерт залида "содир бўлган ёнғун" билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда шаҳар фуқаро муҳофазаси хизматлари куч ва воситаларнинг ҳамкорлигидаги ҳаракатлари намойиш этилди. "Ёнғун"ларни ўраб олиш, бартараф этиш, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, авария-тиклаш ишлари, хавфли ҳудуддан 260 аҳолини хавфсиз жойларга қўчириш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Шу кун "ОКМК"нинг санаторий-профилакторийсида ҳам юқоридаги мавзуда икки босқичли махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Азамат СУЮНОВ.



Таъминот



ҚИШНИНГ СОВУҒИ СЕЗИЛМАЙДИ

Қаҳратон қишининг совуқ кунларида хонадоннинг иссиқ ва ёнғун бўлишига не етсин. Бу йил қиш мавсумида парикентликлар ана шундай қўлайликларга эришдилар.

– Туманимизда қиш мавсумига тайёргарликни катий режа асосида олиб бордик, – дейди Паркент туман электр тармоқлари идораси бошлиғи Дилшод Мирзакаримов. – Режага киритилган ҳудудларнинг электр тармоқлари тўлиқ таъмирланди, трансформатор пунктлари кўриқдан ўтказилди, кўп йиллик эски симлар янгиланди.

Қолаверса, энди туманда аҳолига табиий газнинг узлуksиз етказилишига ҳам эришилмоқда. – Мавсумга алоҳида тайёргарлик кўрдик, шу сабаб дараза ор-

тидаги совуқнинг бизга ҳеч қандай алоқаси йўқдек, – дейди "Паркенттуманга" филиали бош муҳандиси Сотволди Бобоқўжаев. – Режалаштирилган ишлар ортиғи билан бажарилди. Жумладан, газ тақсимлаш нуқталари тўлиқ ва жорий содланди, қувурлар текширилиб, барчаси бўялди ва ҳаво билан тозаланди.

Ирода НОРОБОВА.
СУРАТДА: (чапда) катта диспетчер Абдураим Абдукаримов ва навбатчи электромонтёр Шонимат Шоюнсов.
Собиржон ЗУФАРОВ
олган сурат.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

ИНТИЛИШ ЗАМИРИДА
ИШОНЧ БОР

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси 89-Дўстобод сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига Наргиза Хасанова номзодини кўрсатди. Шу кунларда Оққўрғон тумани кишлоқларини айлансангиз, номзоднинг ижтимоий-меҳнат фаолияти, сайловолди дастурий мақсад ва режаларига қизиқиб катта эканлигини аққол сезасиз.



Бунинг асосли сабаблари бор. Гап шундаки, ҳар жихатдан етук ва тажрибали бу номзод сайловолди дастурий мақсад ва режалари ўз сайловчилари билан учрашувлар чоғида аниқ, истиқболли дастурий вазифаларни тилга олмоқда. Унинг муваффақиятлари катта эканлигини аққол сезасиз.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси тўғрисида кўпчиликнинг қўйишган саволлари бор. Бу ҳақда Наргиза Хасанова билан суҳбат қилишди. Унинг айтишича, партиянинг асосий мақсади — ҳар бир фуқарога ҳақ-ҳуқуқларини қўқондириш, ҳар бир кишини ҳақ-ҳуқуқлари билан таъминлаш, ҳар бир кишини ҳақ-ҳуқуқлари билан таъминлаш, ҳар бир кишини ҳақ-ҳуқуқлари билан таъминлаш.

Аҳолини газ ва ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, чекка кишлоқлардаги йўللарни созлаш, кичик-кичик саноат корхоналари очиб, хизмат кўрсатишни кенгайтириш йўли билан ёшларни ишга жойлаштириш, шу тариқа турмуш даражасини кўтартириш вазифалари ҳам номзод эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

Партиянинг ҳалқ депутатлари вилоят ва туман кенгашиларига кўрсатган номзодлар ҳам сайловолди учрашувларида ана шундай аниқ ва амалий дастурлар билан чиқмоқдалар, — дейди Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси туман кенгаши раиси Саидхасан Тожиев. — Бу партиянинг номзодларини танлаш ва тасвир этишга алоҳида масъулият билан ёндашганлигидан далолат, албатта.

Хона ходими Ўткир Бекбоев, халқ банки туман бўлими бош ҳисобчиси Нуриддин Исмолов, Элтамғали кишлоғи фуқаролар йиғини масъул котиби Ўткир Шероф, Шохруҳия кишлоқ фуқаролар йиғини ноизири жамоатчилик ўртасида обрў-эътиборли кишилар бор.

"Адолат" партияси туман ташкилотидан сайловларни пухта тайёрларлик билан ўтказишга доир барча масалалар диққат-эътиборда. Бунинг учун 22 бошланғич партия ташкилотидан фаоллар, хайрихоҳлар сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга сафарбар этилган. Шу боис, аввало, номзодлар ҳар томонлама ўрганилиб, сараланиб олинди. Уларнинг сайловолди дастурлари партиянинг гоя ва мақсадларига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Шунингдек, сайлов оқсига бўладик, дастлабки қадам сифатида бу партия ташкилотидан тавсияси билан халқ депутатлари туман кенгашига ҳар бир фуқарога ҳақ-ҳуқуқларини қўқондириш, ҳар бир кишини ҳақ-ҳуқуқлари билан таъминлаш, ҳар бир кишини ҳақ-ҳуқуқлари билан таъминлаш.

Мана шундай ишчанлик сайловолди учрашувларида ҳам юз кўрсатиб турибди.

Мен 27 декабрь кунини Қонунчилик палатаси депутатлигига партиямадан кўрсатилган номзод Наргиза Омонкулова Хасанова учун овоз бераман, — деди 49-иштирокчилар уюм-таълим мактаби хизматчиси Карим Қориев. — Бу кишини наинки кишлоқимиз, балки бутун туман аҳолиси яхши танийди, ҳурмат қилади. Ўл-юртнинг бу хурматига номзодимиз самарали педагогик изланишлари туфайли сазовор бўлган. "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловидан вилоятимизда биринчи, республикада учинчи ўринни эгаллади. Халқ таълими аълочиси. Бу киши раҳбарлик қилган йиллари мактабимизда таълим-тарбия кескин яхшилانмоқда.

Сайловчилар учрашувларида ўз номзодларини қўллаб-қувватлаб, мана шундай илик, самимий дил сўзларини изҳор этмоқдалар. Бундай манфаатдорлик муҳити "Адолат" партияси сайловда муваффақиятли қатнашиб, ўз номзодларини ўткази олишга ишончини кучайтирмоқда.

ЯНГИ КУЧ
МАЙДОНГА ЧИҚДИ

Муваффақият қўлга киритишда Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда катта ютуқларга эришди, халқаро майдонда юксак обрў-эътибор қозонди. Азалий миллий ва умуминсоний қадриятларга таяниб, халқимиз фидокорона меҳнати билан ўзининг буюк келажагини барпо этмоқда.



— Бу жараёнда сиёсий партиялар шаклланиб, халқимизнинг эртанги кунга ишончини кучайтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш учун бошланган истиқболли саясий-ҳаракатларни тобора тезлаштирувчи сиёсий кучга айланимоқда, — дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Оққўрғон туман кенгаши раиси Шухрат Жалолов (юқоридаги суратда). — Туман партия ташкилотимиз бунга яққол мисол. Аслини олганда, туман партия ташкилотимиз расман шаклланишига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамай, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий вакиллик органларига сайловлар жараёнига фаол киришиб кетдик.

Буни шундан ҳам кўра бўладик, дастлабки қадам сифатида бу партия ташкилотидан тавсияси билан халқ депутатлари туман кенгашига ҳар бир фуқарога ҳақ-ҳуқуқларини қўқондириш, ҳар бир кишини ҳақ-ҳуқуқлари билан таъминлаш, ҳар бир кишини ҳақ-ҳуқуқлари билан таъминлаш.

34-умумтаълим мактаби директори Эркин Рузиевни Оққўрғон кишлоқларида кўпчилик яхши танийди. У сайловолди учрашувларида "Миллий тикланиш" партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиб, халқимизнинг маданий меросини ўрганиш ва ёшларни энг илғор аънавалар руҳида тарбиялашга доир режалар билан чиқаяпти.

Конунчилик палатаси депутатлигига 89-Дўстобод сайлов округидан кўрсатилган номзод Ханифа Зокированинг сайловолди учрашувларида кўпчилик яхши танийди. У сайловолди учрашувларида кўпчилик яхши танийди. У сайловолди учрашувларида кўпчилик яхши танийди.

Биз кишлоқда кўламли ислохотлар палатасига кирдик, — дейди туман кенгаши депутатлигига номзод Абдусаммад Бўриқулов. — Фермер хўжалиқлари шаклланиши билан кишлоқда етакчи ишлаб чиқарувчи кучга айланиб бормоқда. Шунга монанд аҳолининг турмуш даражасини ўзгартириш, қайта ишлаш, хунармандчилик, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Лекин энг муҳими — муносиб ворисларимиз камол топаётти. Йигит-қизларимиз мактабларда билим олиб, коллежларда замонавий касб-хунарларни эгаллаб, бозор иқтисодиёти шарафига муваффақиятларига эришди.

Ўринлари яратилиши керак.

Менинг бутун умрим шу туманда дала меҳнати билан ўтди. Ширкат хўжалиқларида турли лавозимларда меҳнат қилдим. "Элита" тажриба хўжалиги раиси вазифасида ишлаб турганимда 2007 йили пенсияга чиқдим.

Бошқа бир номзод — Шарофат Қодирова ҳам катта педагогик тажрибага эга. Чорак асрдан бундан ўқувчиларга хорижий тил бўйича билим бераётти. Олдинги чаккир халқ депутатлари туман кенгашининг депутаты сифатида катта жамоатчилик ишларига бош-қош бўлиб келмоқда.

Сайловолди учрашувларида номзоди 35-Оққўрғон сайлов округидан халқ депутатлари вилоят кенгашига кўрсатилган Ачи кишлоқ фуқаролар йиғини раиси маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Саноат Исмоилова ҳам сайловчиларни ўз ҳаракат дастури билан таништиряпти. У асосий эътиборни маънавий-ахлоқий масалаларга, ёшларимизни ёғлар таъсиридан сақлаш, маънавий тарбияни қўқондириш вазифаларига қаратмоқда.

34-умумтаълим мактаби директори Эркин Рузиевни Оққўрғон кишлоқларида кўпчилик яхши танийди. У сайловолди учрашувларида "Миллий тикланиш" партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиб, халқимизнинг маданий меросини ўрганиш ва ёшларни энг илғор аънавалар руҳида тарбиялашга доир режалар билан чиқаяпти.

Конунчилик палатаси депутатлигига 89-Дўстобод сайлов округидан кўрсатилган номзод Ханифа Зокированинг сайловолди учрашувларида кўпчилик яхши танийди. У сайловолди учрашувларида кўпчилик яхши танийди. У сайловолди учрашувларида кўпчилик яхши танийди.

ҚАМРОВНИ
КЕНГ ОЛИБ

Турли мулкчилик шароитида иқтисодиётни енгиллаштириш, тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун имтиёзли шарт-шароитлар яратиш, уларнинг амалдаги қўқонлар доирасидаги саясий-ҳаракатларини ҳар жихатдан қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг барча соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг асосидир.



Шу боис Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳусусий тадбиркорлар, ишбилармонлар, деҳқон ва фермер хўжалиқлари қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, давлат идоралари томонидан уларнинг фаолиятларига ҳар қандай ноқонуний арашувларнинг олдини олишни сайлов арафасида ишлаб чиқилган дастурий асосий вазифаси сифатида белгиланди.

Бу бўлажак сайловларда тадбиркорлик ҳаракати вакиллари партиянинг номзодларини қўллаб-қувватлашлари, улар учун овоз беришлари ишончимизни кучайтираётти, — дейди туман партия кенгаши раиси ўринбосари Жумабек Абдуллаев. — Партиянинг янги қақир қаволати ҳокимият органларига номзодларини кўрсатган барча тадбиркорлар ва ишбилармонлар, хўжалик ёки бошқарув идораларининг ҳодимлари кенг қамровли иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ташаббускорлик кўрсатаётган гайрат-шижоатли кишилардир.

Улардан бири 89-Дўстобод сайлов округидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод Сайёра Сулаймоновадир. Қўйириқ туманида савдо ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш соҳасида самарали меҳнат қилиб, катта тажриба орттирган бу тадбиркор сўнгги йилларда янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиб, иш ўринларини кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшаётти. Унинг "Ал-Абдулло" хусусий корхонаси таркибиде замонавий технологиялар билан жиҳозланган нон ва макарон цехлари ишлаб турибди. Бу йил қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хориждан янги технологиялар олиб келиб ўрнатилди.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига 35-сайлов округидан "Паркент-Қорасув" ирригация тизими бошқармаси Оққўрғон туман бўлими бошлиғи Шухрат Мирзақулов (юқоридаги суратда) номзоди кўрсатилди. Табиийки, у билан учрашувларида сайловчиларни сув хўжалигини ташкил этишга доир қонунларга риоя қилишни, бу борада ижро интизомини кучайтириш масалалари кўпроқ кизиқтиряпти. Чунки суғориш

ва тупроқдаги ортиқча намни қочириб муаммоларини барқарор этимай туриб, деҳқон-фермер хўжалиқларини барқарор ривожлантириш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш мумкин эмас.

Туман партия кенгаши халқ депутатлари туман кенгашига кўпроқ ўрин эгаллашни асосий мақсад қилиб олган. Бу иштироки тушуниш мумкин. Чунки О'зЛиДеРнинг дастурий вазифаларини амалга оширишда партия бу вакиллик органидан кучли депутатлик гуруҳига эга бўлиши ниҳоятда муҳим. Фақат шундай салоҳиятли депутатлик гуруҳи орқали партия ташкилотини корхоналарни модернизация қилиш, уларни техника ва технология қайта жиҳозлаш, замонавий мослашувчан технологияларни жорий этиш масалаларини туман кенгаши сессияларига олиб чиқиши мумкин. Шу боис рўйхатга олинган партия номзодлари орасида ҳусусий фермер хўжалиги раҳбари, муқобил машина-трактор парки бошқаруви раиси Ботир Омонов, туман "Сув тармоғи" корхонаси раҳбари Учқун Абдуллаев, "Кишлоқхўжалиқим"нинг туман филиали етакчи мутахассиси Зулайхад Чинтошев сингари юқори малакали мутахассисларни қўриш мумкин. Шунингдек, туман кенгаши депутатлигига халқ таълими, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳодимлари номзодлари ҳам кўрсатилганлиги эътиборга олинса, партия келгуси сиёсий ишлар қамровини хийла кенг олганлиги аён бўлади.

Сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйишда шубҳасиз, бошланғич партия ташкилотлари, партия фаолларининг жонқуярлиги, малакали иш юритиши катта аҳамиятга эга, — деди "Ўзбекистон почтаси" туман филиали бошланғич ташкилот раиси Хусниддин Ботиров. — Сайловолди учрашувлари партиянинг мақсад ва вазифаларини аҳолининг кенг қатламлари ўртасида тарғиб қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Бу жараёнда партияимизни қўллаб-қувватловчи хайрихоҳлар кўпайяпти.

Айни шу ҳолат бизнинг кучимиз, одамларга таъсиримиз ортаёганлигидан нишона, сайловда муваффақият қозонишимизга ишонч кучайтирувчи омилдир, — деди суҳбат пиларвариде Жумабек Абдуллаев.

МУВАФФАҚИЯТ
САРИ ҚАДАМ

Ачи Олимқентга кира-беришдаги каттагина бир қишлоқ. Унинг рўпарасида, катта йўлнинг бўйида савлатли, кўркам бир бино. У нафақат бу қишлоқ, балки бутун Оққўрғоннинг фахри, ифтихорига айланиб бораётти. Бу масканда ёшлар энг замонавий касбларга ўқитилади.



— Ўрта йўналиш бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш, — дейди транспорт ва сервис хизмати касб-хунар коллежи директори Ботир Шерғазиев. — Билим ва хунар масканимиз ўтган йили иш бошлади. Ҳозир икки босқичда 679 ўғил-қизга таълим-тарбия бераёмиз. Маашулотларни 80 дан ортиқ ўқитувчи, педагог ва ишлаб чиқариш таълими устаслари олиб боришапти.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши раиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашига тасвир этилган номзодлар билан сайловчиларнинг навбатдаги учрашувини шу касб-хунар коллежининг катта залида ўтказди.

Ватан битта, мақсади-миз ягона, яшаш маконимиз шу Ачи қишлоғи, — деди халқ депутатлари туман кенгашига номзоди кўрсатилган Ботир Шерғазиев йиғилганларга мурожаат қилиб. — Айтомқичмани, бугун сизлар билан сайловолди учрашувига келган, сайлов кунини сиз азизлар қўллаб-қувватлаб овоз берадиган номзодларингиз — шу замин фарзандларимиз. Сизлар кўрсатадиган ишончимиз, сайлов кунини берадиган ваколатингиз бўлгуси депутатлик фаолиятимиз давомида бизларга куч-қувват, гайрат-шижоат ва қатъий бағишлаб, шу замин яна ҳам обод, халқимиз турмуши фаровон бўлиши учун ташаббус кўрсатиб ишлашга даъват этиб туради.

Сайловолди учрашувиде Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 89-Дўстобод сайлов округидан номзод — "Ачи" муқобил машина-трактор парки бошлиғи Сайдиов Аҳмедов, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига номзод — "Акмал" хусусий фирмаси "Олимқент ёғ-мой" заводи директори ҳамда "Азизбек Умр" фермер хўжалиғи раҳбари Раҳимжон Умиров, халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига номзод Абдулжол Оғрашев ҳам ўз сайловолди дастурларини баён этишди, тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режалари билан ўртоқлашди.

Сайловда муваффақият қозониб, депутатликка сайлансам, — деди 89-Дўстобод сайлов округидан номзод Сайдиов Аҳмедов, — фермер хўжалиқлариде ишлаётган меҳнатчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, меҳнатдан манфаатдорликларини ошириш, солиқ юкни енгиллаштиришга қаратилган қонунчилик асосларини яна ҳам тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар, ташаббуслар билан чиқиш ниятим бор. Чунки, партияимиз электроратининг бу қатлами турмуш даражасини кўтармай туриб, барқарор иқтисодий ривожланишга эришиш, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг хозирча фойдаланимай қолаётган имко-

ниятларини ишга тушириш кийин.

Депутатликка номзод Раҳимжон Умировнинг сайловолди чиқишини иштирокчилар алоҳида манфаатдорлик билан тинглашди. Чунки у бугун шу залини тўлдириб ўтирган одамларнинг кўз ўнгиде ўсиб улғайди. 1982 йили Тошкент Политехника институтини, 1998 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академиясини тамомлади. Техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. Озиқ-овқат саноати техника ва технологиясини соҳасиде янгиликлар яратиб, салоҳиятли иштирокчи сифатиде танилди.

Раҳимжон Умиров "Ташаббус-98" кўрик-танловиде ғолибликни қўлга киритиб, олтин медал соҳиб бўлди. Файратли тадбиркор-олим туман халқ таълимининг ривожлантиришга ҳомийлик қилиб келмоқда.

Фуқаролик жамиятини қуриш, қонун устуворлигини таъминлаш, халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг асосий вазифаларини ўз ичиде таъминлашнинг тўрт устувор йўналиши деб ҳисоблайман, — деди номзод ўз сайловчилари олдида сўзга чиқиб. — Кишлоқ иқтисодиётини ривожлантириш одамларимиз турмуш даражасини оширишнинг асоси — ҳосилдорлиқни кўтариш, етиштирилаётган дала ва боғ-роғларимизнинг неъматларини шу ернинг ўзиде қайта ишлаш, экспортбон маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишдан иборат деб биланам.

Номзодимиз Раҳимжон Раҳмонкуловни сўзи билан иш бир тадбиркор-олим, — деди шу учрашувда сайловчи Абдумутал Аширматов. — Деҳқонларимиз етиштираётган галлани тортиш учун энг янги технологияларга асосланган тегирмон қурди. Шу кунларда ёғ-мой заводини реконструкциялаш лойиҳасини амалга ошираётти. Мен шундай номзод учун овоз бераман.

Бизнинг партия ташкилотимиз халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига 30 та сайлов округи бўйича ўз номзодларини қўрсатди, — деди Халқ демократик партияси туман кенгаши раисининг ўринбосари Дилрабо Хайтова. — Уларнинг барчаси юқори маълумотли, тажрибали, қатъиятли кишилар. Кўрсатган номзодларимизнинг ҳар учинчиси аёллар. Шу кунларда 40 та бошланғич ташкилотимизда сайловолди тарғиботи авжида. Партия аъзолари фаол иштирок этишапти. Сайловолди таъйириқларини олиб, ҳаётимизда катта ўрин тутадиган бу сиёсий кампанияда барчаннинг фаол иштироки, номзодларимизнинг ўз сайловчилари билан учрашувларида руҳият ҳар уч бугун депутатлигига кўрсатган вақтларимиз сайловда муваффақият қозонишларига умидимизни кучайтирмоқда.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташкил этилиб, ўз фаолиятини амалга ошириб келаётганига бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Ҳаракатнинг ўрни ва аҳамияти, дастурий мақсад ва вазифалари, сайлов қончилигига мувофиқ Экоҳаракатга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан ўн бешта депутатлик ўрни ажратилиши, унинг бошқа жамоат бирлашмалари ва сиёсий партиялардан фарқи тўғрисидаги масалалар кенг жамоатчиликни ва муштарийларимизни қизиқтириши табиий.

Бу хусусда Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаоли, Ангрен табиати муҳофаза қилиш минтақавий кўмитаси раиси, 2009 йил 23 декабрь куни бўлиб ўтadиган Ўзбекистон Экологик ҳаракати Конференцияси делегати Бакир Расулов билан суҳбатлашдик.

— Бакир Раҳимович, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ташкил этилишидан кўзланган мақсад, унинг дастурий вазифалари тўғрисида гапириб берсангиз.

— Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ташкилий ва ҳудудий мақоми, унинг дастурий мақсад ва вазифалари ҳамда бугунги фаолияти тўғрисидаги фикрларни бир сўз билан изоҳлаб бўлмайди, албатта.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда мустақил тараққиётнинг илк кунлариданоқ юртимизда мавжуд бўлган табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва келгуси авлод учун табиий муҳитни асраб-авайлашга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб олинган бarchамизга аён. Энг асосийси, Олий Мажлис ва ҳукуматимиз томонидан табиатни муҳофаза қилишга оид муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинди. Бош Қомулсимиз бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган бўлса, шу йилнинг 9 декабрида "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун қучга кирганлиги мамлакатимизда она табиатга ва келгуси авлодлар са-

ломатлигига бўлган эътиборнинг яққол ифодасидир. Бу қонун атроф-муҳит мусоффолигини сақлаш, табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берди. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланиши, экология тизимлари, табиат комплекслари ва объектлар муҳофазасини таъминлашдан, энг муҳими, фуқароларнинг қулай

ти Марказий Осиёдаги жуда катта экологик фожиадир.

Ҳозирги вақтда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, чиқиндиларни қайта ишлаш масалалари доғдзарб бўлиб турибди. Айрим фуқароларимизнинг она табиатга нотиғри муносабатда бўлишлари оқибатида атроф-муҳитга, ҳудудимиздаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зиён етмоқда.

Бу борадаги вазифаларнинг миқёси ва қўлами мамлакатимиз-

юртишимиз шарт, уларнинг ба-жарилишини таъминлаш сиз ва бизнинг саъй-ҳаракатларимизга, яъни кенг жамоатчилик иштирокига боғлиқ. Ана шундагина бу савобли ва хайрли ишда салмоқли натижаларга эришишимиз мумкин.

— Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг бошқа жамоат бирлашмаларидан ва сиёсий партиялардан фарқи нимада?

— Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг бошқа жамоат бирлашма-

ҳаракатга ўн бешта депутатлик ўрни ажратилганлиги ҳам бунинг яққол далилидир. Бу, ўз ўрнида, Экоҳаракат зиммасига катта масъулият юклаш билан биргаликда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш, энг муҳими, аҳоли саломатлигини таъминлашдаги курашда кенг имкониятларни яратиб бериши шубҳасиз.

— Экоҳаракатнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги тўғрисидаги фикрингизни ҳам билмоқчи эдик.

— Экоҳаракатнинг бугунги фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг дастурий мақсад ва вазифаларини жамоатчиликка етказиш, жамиятнинг барча қатламлари орасида бу борадаги тарғибот ва тушунтириш ишларини юритиш шу кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Албатта, Экоҳаракат бугунги кунда қонунда белгиланган тартибда низоом ва дастурида кўзда тутилган устувор мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, экологик муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари ҳақида фуқароларни ҳолис ахборот билан таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ўз навбатида, Экоҳаракатнинг ҳудудий бўлиналари ва фаоллари ҳам оммавий ахборот воситалари орқали ўз ҳудудларида шундай тадбирларни амалга оширсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

— Муштарийларимизга қандай тилакларингиз бор?

— Фурсатдан фойдаланиб, барча муштарийларимизни экологик жиҳатдан маданиятли, бу йўналишдаги хайрли ишларда фаол бўлишга чақираман. Ҳар бириимиз она табиатнинг қадрига етишимиз керак, чунки бу фуқаролик ва инсонийлик бурчимиздир.

Суҳбатни вилоят табиати муҳофаза қилиш кўмитаси мутахассиси Одил ЗУЛПОНОВ олиб борди.



Бўстонликда қиш...

СОН ЭМАС, САМАРА МУҲИМ

Мамлакатимиз раҳбарининг тадбиркорлик фаолиятига ҳар қандай асосиз аралашувларга барҳам бериш ва текширишлар сонини қисқартиришга қаратилган қарорлари вилоят табиати муҳофаза қилиш кўмитаси давлат инспекторларининг кундалик иш фаолиятларида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг хайъат йиғилишида Тошкент вилоят табиати муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг йиллик мувофиқлаштирилган режа-жадвалларини шакллантириш тўғрисида"ги Низоом, Адлия вазирлигида 1573-сон билан рўйхатга олинган "Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган тадбиркорлик субъектлари, юридик шахслар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича талабларнинг бажарилиши борасидаги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала барча инспекторлар иштирокида атрофчи муҳокама қилинди.

Шунингдек, вилоят табиати муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда республика Президентининг текширишлари тартибга солиш билан боғлиқ қарорлар ва қарорлари талабларини инспекциялар, минтақавий кўмиталар, туман инспекторлари томонидан бажарилиши таҳлилига бағишланган вазифалар 2010 йил хайъат иш режасига киритилди. Вилоят давлат инспекторлари иштирокида ўтказилган махсус ўқув-семинарда асосий эътибор тадбиркорларнинг иш фаолиятига ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик ҳамда улар ўртасида кенг қўламдаги профилактик тадбирлар олиб бориш каби долзарб масалаларга қаратилди.

Жамшид ИСРОИЛОВ, давлат инспектори.

ТАРБИЯ БОЛАЛИКДАН

Инсон саломатлиги унинг энг катта бойлиги ҳисобланади. Соғлом турмуш тарзими эса атроф-муҳитимиздаги ҳолат, истиқомат қилаётган ҳудудимизнинг экологик муҳити қай даражада эканлиги билан боғлиқ.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида юзага келаётган экологик муаммоларни бартараф этиш борасида халқаро ташкилотлар, жумладан БМТ, ЮНЕСКО томонидан бир қанча ишлар олиб боришмоқда. Шунингдек, давлатимиз мазкур соҳа учун етук кадрлар тайёрлашга катта эътибор бераётган. Хусусан, БМТнинг барқарор ривожланиш учун таълим бўйича 2005-2014 йилларга мўлжалланган декадаси тавсияларини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ва республика Табиати муҳофаза қилиш давлат кўмитаси қўшма қарорлар қабул қилган.

Жумладан, "Республикамизда экологик таълимни ривожлантириш, эколог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш

истиқболлари тўғрисида"ги дастур, эколог кадрлар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш, ўрта махсус таълимнинг ўқув режаларига тегишли қўшимчалар киритиш, таълим муассасаларида экологияга оид тўғрақлар, музейлар ташкил этишга қаратилган қарорлар таълим-тарбия жараёнларида тўла татбиқ этиб келинмоқда.

Буларнинг барчаси ёшларимизнинг экологик онгини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Ҳар бир оила, маҳалла ва таълим муассасасининг узвий ҳамкорлигида экологик таълим-тарбиянинг изчил ривожланиши ёшларнинг табиатга бўлган меҳрини уйғотиб, маънавий етук инсон бўлиб етишишига хизмат қилади.


А. ИНОФОРОВ,
Тошкент тумани табиати муҳофаза қилиш кўмитаси раиси.

Биласизми?

БИРИ ЭРИНЧОҚ, БИРИ ЛАҚМА

Этироф этиш керак, ноқонуний дунёга келган болаларини туғуруқхонада қолдириб кетаётган оналар ҳақон учраб турибди. Тиббиёт ходимлари бундай оналарни қакку-қушга қиёслашади. Бу бежиз эмас.

Қакку ўзга қушлар нинига туҳум қўяди. Бе-гона қуш эса, бунинг фарқида бормади, ўз туҳумлари қаторида очиб қиқади. Бундан бугега — фожиа. Қакку боласи тез катта бўлиб, ин эгаси бўлган полапонларни бирин-кетин пастга улоқтириб, нобуд қилади. Она қуш шу қадар лақмаки, бунинг хис этмай, пировардида ўзидан икки-уч баравар катта бўлиб кетган қакку боласини учирма қилади ва ўзи "бефарзанд" қолади.



ЯНА ЧИҚИНДИЛАР ҲАҚИДА

Йил давомида бўлим томонидан 2680 тонна майиш чикинди махсус ташкил этилган чикинди-хоналарга чиқарилиб, кўмиб ташланди. Аммо, бу муаммо ҳал бўлди, дегани эмас. Туман табиати муҳофаза қилиш кўмитаси масъул ходимлари олиб борган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамасдан баъзи ҳудудларимизда ханузгача ноқонуний чикинди-хоналар пайдо бўлмоқда. 2008 йил мобайнида чикиндиларни жойлаштириш бўйича қонун талабларини бузганликлари учун 21 нафар фуқарога Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 91-



Табиат ва ИНСОН

Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш кўмитаси саҳифаси

САЙҒОҚЛАР — ҲАҚИҚИЙ МЎЪЖИЗА


Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий байликларни асраб-авайлаш, экологик маданиятни юксалтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Оролбўйи минтақасида экологик муаммоларни бартараф этиш, биохилма-хиллигини сақлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Оролбўйида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга бағишланган семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, бошқа бир қатор ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, олим ва мутахассислар, талаба ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарда асосий эътибор ноёб жонотлардан бўлган сайғоқларни муҳофаза қилиш, уларнинг табиий кўпайиши учун шароит яратиш, браконьерликка қарши курашиш масалаларига қаратилди.

Маълумотларга кўра, бу жониворлар фақат Марказий Осиё ва Россиянинг айрим ҳудудларида учрайди. Улар кўп тарқалган ҳудудлардан бири Ўш-Турт кенгликлари. Ўтган асрнинг 60-йилларида Оролбўйи ҳудудидан сайғоқларнинг умумий сони икки милли-



он атрофида бўлган. Тоталитар тузум даврида бу турдаги ҳайвонларнинг 90 фоизга яқини қимматбаҳо шохлари учун браконьерлар ўлжасига айланган.

Семинарда чўл шароитида ушбу ноёб жониворларни муҳофаза қилиш, уларни кўпайтиришни кенг йўлга қўйиш, минтақада биологик хилма-хиллигини сақлаш каби масалалар хусусида фикр алмашилди.

Ў.А.

Ҳаммамизга маълумки ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси, ташкилот ва муассасалар, аҳоли турар жойларида ҳар куни маълум миқдорда чиқиндилар ҳосил бўлади. Агар уларни жойлаштиришда паллапартишликка, ўзибўларчиликка йўл қўйилса, атроф маиший чиқиндиларга тўлиб, табиатимиз мусоффолигига путур етади. Туманимизда ташкил этилган ободонлаштириш бўлими бу борада ибратли ишлар олиб бормоқда.

моддасига кўра таъсир чоралари қўлланилиб, 432 минг сўм жарима солинди. Айниқса, бу ҳолатлар маҳалла ҳудудларида кўпроқ содир бўлмоқда. Бу борада маҳалла кўмиталари масъул ходимларининг масъулиятини янада ошириш лозим. 2009 йилда кўмитамиз ҳокимликка бу борада баъзи тақлифлар билан чиқди. Шаҳардаги барча маҳалла кўмиталарида чиқиндиларни жойлаштириш бўйича вақтинчалик жойлар ташкил этиш ва тўпланган чиқиндиларни аҳоли маблағи ҳисобидан марказий чиқиндиҳонага чиқариш, улардаги боқимандалик кайфиятини йўқотиш, бозор му-

Равшан ЙЎЛДОШЕВ,
Бўқа туман табиати муҳофаза қилиш кўмитаси инспектори.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни, хусусан, соҳа ходимларини кириб келаётган янги 2010 йил билан самимий муборакбод этади. Янги йил билан бирга ҳар бир хонадонга бахт-саодат, файз-барака, тинчлик-хотиржамлик кириб борсин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо бўлсин!

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Файрат ШЕРАЛИЕВ тайёрлади.

Спорт Спорт Спорт Спорт

ВАКИЛЛАРИМИЗ
ИККИНЧИ БЎЛИШДИ

Самарканд шаҳрида 1996-1997 йилларда тузилган болалар ўртасида таниқли футбол мусобақаси А. С. Масонова хотирасига бағишланган республика турнири ўтказилди. Ушбу мусобақада Бекободдаги "Ўзметкомбинат" АИЧБнинг "Металлург" футбол клуби ўсмирлари ҳам иштирок этишди.

Турнирда 12 та жамоа уч гурӯҳга бўлиниб, ўзаро куч синашди. "Металлург" ўз гурӯҳида "Чуст" (Наманган) ни 4:0, "Сўғдиёна" (Жиззах) ни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, "Кизилқум" билан дуранг ўйнади. Гурӯҳда биринчи ўринни олган вакилларимиз ярим финалда фароналиклар билан куч синашдилар. Мурсасиз курашлар остида ўтган учрашувда "Металлург" жамоаси 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Финалда майдон эгалари – "Самарканд" клубига қарши майдонга тушган футболчиларимиз 2:1 ҳисобида имкониятни бой берди.

Албатта, бундай нуфузли мусобақада иккинчи ўринни олиш ҳам юқори натижадир. Шерали Бобоқулов, Илхом Хамзаев шогирдларини ушбу турнирда муваффақиятли қатнашларини таъминлашди. Шунингдек, металлурглр спорт-соғломлаштириш мажмуаси директори Норбек Йўлдошев, болалар ва ўсмирлар футбол мактаби директори Кахрамон Нурматов, жамоа шифокори Мирзабурхон Дўстмуродов ҳам ўш футболчиларни мусобақага тайёрлашга муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Бахт МУРОДОВ.
СУРАТАА: ғолиб жамоа вакиллари.

Яқинда Юқоричирик тумани халқ таълими бўлимига қарашли 6-умумтаълим мактабида кураш мусобақалари бўлиб ўтди.

ЁШ ПОЛВОНЛАР
БАҲСИ

Мусобақада 5-, 6-, 7-, 34-, 38-умумтаълим мактаблари ҳамда 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари иштирок этишди. 70 нафар хаваскор иштирок этган беллашувда 10 нафар ёш курашчи шахсий биринчилиги ғолиблигини кўлга киритди.

2-БЎСМдан И. Усупалиев, Ж. Тўментаев, А. Усмонов, 5-умумтаълим мактабидан Х. Нишонбоев, 6-умумтаълим мактаби вакили Л. Ҳасановлар шулар жумласига киради.

Абдузхур ҚОРАБОВЕВ.

ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига моддий ва маънавий қўмаклашиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлом оила, соғлом авлодни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг 2006 йил 7 сентябрда қабул қилинган "2007-2010 йилларда ёлғиз кескалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир.

Мазкур қарорда белгиланган вазифаларни бажариш, имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун қулай шaroит яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай хайрли ишларга "Соғлом авлод" халқаро хайрия жамғармаси ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Жамғарма томонидан тиббий-ижтимоий муассасалар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, "Меҳрибонлик", "Мурувват", "Саховат" уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Пойтахтимиздаги "Ўзбоулинг" марказида ижтимоий ҳимояга муҳтож ва имконияти чекланган ўсмирлар ўрта-четроқда жойлашган. Ҳамама гап шунда. Бош бармоқнинг бундай жойлашуви, ҳатто, одамсимон маймун ҳам узоқ вақт одамлар сингари тик юрмаслигини, асосан, эмаллашга маҳкум эканлигини кўрсатади.

Бу фикрга эътироз билдирувчилар ҳам йўқ эмас. Улар "Маймун ривожланиш жараёнида аста одамга айланиб бorgan, бу даврда, табиийки, оёқ панжаси ҳам тақомиллашган" дейишади. Аммо, кейинги

питек ва айниқса, маймунга нисбатан кўпроқ ўхшаш экан.

Шу ўринда Дарвин назариясига тузатиш йўсинида "Одам маймундан эмас, балки уларнинг иккови ҳам қандайдир умумий аجدоддан пайдо бўлган экан-да", деган фикрга бориш мумкин. Лекин, дарвинчилар бу фикрга ёпишиб олишга уринсалар ҳам, барибир, фойдаси йўқ. Чунки, бунга қарши ўринли савол туғилади: "Унда нега одамзод аждоди гавада тузилишини

муддат. Бундан кўринадики, одамзод, ҳоҳ эволюцион, ҳоҳ инволюцион бўлсин, маймунлар ривожланиши йўлидан бормаган. Шу боис кейинги йилларда топишган онгли одамзодни маймунлар ва уларнинг анчагина тақомиллашган аждодларига ўхшатгандан кўра, номаълум одам дея аста тўғирок бўлади.

Эфиопиядаги топишманинг ҳам барча фаразларни жой-жойига қўйиб бериши гумон. "Маймун-одам" фарази нотўғри эканлиги ҳақида кўп гапирилапти. Айтиш мумкин, кўчқа ва ҳатто, кўрпалак ҳам айрим ҳижатлардан одамга маймунлардан кўра анча яқинроқ. Ҳатто, ит ва айиқ ҳам аслида инсон наслидан эканлигини аниқ далиллар билан исботлаш мумкин. Чунки, айиқ, палеонтологлар айтишганидек, еног сингари майда ёввойи жонзотлардан пайдо бўлмаган. Шунингдек, у маймунларга ҳам "қариндош" эмас, гарчи ташқи қиёфа жиҳатидан уларга бироз ўхшасада айиқ оёқнинг панжаси одамникига эслатади ва у маймунникига қараганда анча тақомиллашган. Катта бармоғи ҳам панжасига яқин. Айтиш, инкирозга юз тутатган бу одамсимон маҳлук ҳеч қачон дарахтга чиқмаган. Аксинча, ерда, аввал икки оёқда, кейинчалик тўрт оёқлаб, яъни эмаллаб юрган. Айиқ аждодининг оёқлари бутун панжасини ерга тўлиқ боғиш осон бўлиши учун вақт ўтиши билан қисқариб бorgan. Бундан шундай хулоса чиқади: демак, айиқ одамзоддан пайдо бўлган.

Хўш, одам-чи? У нимадан пайдо бўлган? Ҳозирча, бу саволга ҳориқлик «доно»ларда ҳар аниқ фаразлардан бўлак аниқ жавоб йўқ.

Самат Йўлдош тайёрлади.

ХОРИЖ
МАТБУОТИДА
ЯНА БИР
ШОВ-ШУВ

Ўйилликлар давридаги қўллаб-қувватлаш бўлими бўлиши билан бу мантаник чилларнинг қилиб ташлади. Ўтган асрнинг 70-йиллари охирида тахминан 4 миллион йил илгари яшаган австриялопитекнинг тошқотган оёқ панжаси топилиди. Айна шу топилма унинг "дарахтдан ерга тушганлиги", яъни маймундан пайдо бўлмаганлигини исботлади ва эволюцион назария илгари сурган фаразини бежор қилди. Янги топишган жонзотнинг оёқ панжаси одамсимон маймунлардан кўра кўпроқ одамникига ўхшарди.

2000 йилда 7 миллион йил илгари яшаган чад сахелантропининг суяклари топилиди. Гардан (энса) мушакларининг бош суяги ўзига хос тарзда бириктирилган қараганда, у тик юрадиган жонзот экан. Шуниси қизиқчи, сахелантроп одамзодга австрало-

тақомиллаштириш-ю, маймун эса унинг барча афзалликларини бой бериб, яна дарахтга қайтди? Демак, маймун ривожланиш (эволюция)нинг қарама-қарши, яъни инволюцион йўлидан бorgan экан-да?" Инволюцион фаразга мумкинлик тирик материя турлари мураккабликдан оддийлик сари ривожланиб боради. Жўроқ қилиб айтганда, жонли табиат таъназулга ўз тутди. Агар шундай бўлса, мураккаб тирик жонзот турлари қаердан пайдо бўлди? Одамзод қандай яралди? Бу гоятда муҳим саволга жавоб беришга олимлар ҳали тайёр эмаслар. Онгли мавжудот бўлган одамзод, нисбатан ҳали ёш тахминан 60 минг йил илгари пайдо бўлган. Топилган антропологлардан бизни ажратиб турувчи бир неча миллион йилларга нисбатан бу арзимаган

сида ташкил этилган боулинг мусобақаси ана шундай хайрли ишлардан бири бўлди. Унда махсус мактаб-интернатларда тарбияланувчи эллик нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди.

Тадбирда болалар гуруҳларининг мусикий чикишлари ҳамда театрлаштирилган томошалар намойиш этилди. Иштирокчиларга Янги йил совғалари топширилди.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎЗА муҳбири.

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2009 йил 15 декабрдаги 11-0906/20960-сонли ажри-мига асосан "Темсарбегим агро" фермер хўжалигига, 2009 йил 15 декабрдаги 11-0906/20959-сонли ажри-мига асосан "Воҳид Маткарим фазл" хусусий корхонасига, 2009 йил 17 декабрдаги 11-0906/20958-сонли ажри-мига асосан "Машрик ул агро" фермер хўжалигига, 2009 йил 18 декабрдаги 11-0906/21006-сонли ажри-мига асосан "Юнусбек савдо" МЧЖга нисбатан банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилган ва қузатув жараёни бошланган.

Мазкур корхоналарда кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2009 йил 27 декабрь соат 10.00 да Тошкент вилояти Бекобод тумани Давлат солиқ инспекциясининг 2-қавати, 18-хонасида бўлиб ўтади. Банкротлик иши 2009 йил 28 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент вилояти Хўжалик суди биносига қўрилади.

Манзил: Бекобод тумани, Тошкент кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99871) 150-49-99.

Бўстонлик тумани, Чорбўк қўрғонидagi 16-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Турсунбой Саидон Убайдуллоевнинг номига берилган № 067054 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота тумани "Чигагой Октега" ҚФЙ, Халқа йўли манзили бўйича рўйхатга олинган "ELERON EUT SERVIS" МЧЖ устав фондини 240861758 сўмдан 154968729 сўмга камайтирилганлиги маълум қилинди.

Частное предприятие "NEXT IMPEX GROUP" Чиланзарского района (ИНН 205854313) сообщает об изменении формы собственности и дальнейшей реорганизации в ООО "NEXT IMPEX GROUP", с переходом всех прав и обязательств ЧП "NEXT IMPEX GROUP" к ООО "NEXT IMPEX GROUP". Тел.: 176-04-74.

ООО "MIKRAS-AZIYALYUKS", зарегистрированное отделом государственной регистрации государственного предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар 3-б/11, (ИНН 300768049, ОКПО 22324984), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 4 от 22.12.2009г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 770-06-87.

Хурматли тadbirkorлар!

**Бизнесда муаммолар борми?!
Қонуний ҳуқуқларингиз
бузилиши ҳолатлари рўй
бермоқдами?
Маслаҳат керакми?**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жамоатчилик кенгашига мурожаат қилин!

**Жамоатчилик кенгаши
телефон рақами:
(+99871) 150-60-05.**

Тadbirkorликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни биргаликда бартараф этайлик!

**Ўзбекистон Республикаси
Савдо-саноат палатаси:
"Call-center" –
(+99871) 150-60-06.**

"24 соат маслаҳат хизмат" –
(8-800) 120-04-04 (барча кўнги-
роқлар бепул).

**Манзил: 100047, Тошкент
шаҳри, Бухоро кўчаси, 6.
e-mail: tv@chamber.uz,
web-site: www.chamber.uz**

Фаолиятингизга асосий аралашувлар ва қонуний ҳуқуқларингиз бузилиши ҳолатлари юзасидан ҳамда тadbirkorлик фаолияти ва бизнес муҳитни ривожлантиришга оид барча масалалар бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят Жамоатчилик кенгашига мурожаат қилин.

Тadbirkorликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни биргаликда бартараф этайлик!

**Тошкент вилоят Жамоат-
чилик кенгаши телефон
рақами: 150-91-02.**

**Ўзбекистон Республикаси
Савдо-саноат палатаси:
(8-371) 150-60-06.**

**Савдо-саноат палатаси
Тошкент вилоят бошқар-
маси: (8-371) 150-91-02,
e-mail: tv@chamber.uz,
web-site: www.chamber.uz**

"Республика Кўчаси мулк биржаси" ЁАЖ бошлангич баҳоси охири бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан, Ангрен ш., Бўстон жарима майдонида сақланаётган қўйилмоқда: 1. "Тик" русумли, д/р 30В4216 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати Ангрен ш. ЖИБ 12.10.09й. қарори). Бошлангич баҳоси – 4 877 208 сўм. 2. "Тик" русумли, д/р йўқ бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати Ангрен ш. ЖИБ 02.10.09й. қарори). Бошлангич баҳоси – 3 113 720 сўм.

II. Аукцион савдосига Қўйилган тумани СИБ томонидан қўйилган мол-мулклар қўйилмоқда: Қўйилган т., "Аргин-савдо" УҚДА сақланаётган: 1. "Mitsubishi Lancer" русумли, д/р А937LBN бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 15.01.09й. №1471/7). Бошлангич баҳоси – 6 835 396 сўм. 2. "Опель-Вектра" русумли, д/р А746SOM бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 09.10.09й. №10873/7). Бошлангич баҳоси – 6 497 906 сўм. 3. Тошкент в., Қўйилган т., Ўнқўрғон қ.ф.й., Гўнча қўчасида жойлашган, ер майдони 600 кв.м. бўлган 35-хонадон (ижро ҳужжати 28.04.09й. №6399/4). Бошлангич баҳоси – 110 670 500 сўм. 4. Тошкент в., Қўйилган т., Ўнқўрғон қ.ф.й., Гўнча қўчасида жойлашган, ер майдони 378 кв.м. бўлган 42-хонадон (ижро ҳужжати 28.04.09й. №6399/4). Бошлангич баҳоси – 654 591 558 сўм.

III. Аукцион савдосига Тошкент тумани СИБ томонидан, Тошкент ш., "Шамсиддин Раҳмон Бизнес" МЧЖ омиборхонасида сақланаётган қўйилмоқда: 1. "GA3-24" русумли, д/рсиэ, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 11.12.09й. №15021). Бошлангич баҳоси – 683 439 сўм. 2. "GA3-24" русумли, д/рсиэ, 1981 йилда и/ч автотран-

порт воситаси (ижро ҳужжати 11.12.09й. №15020). Бошлангич баҳоси – 781 074 сўм. 3. "GA3-24" русумли, д/рсиэ, 1975 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 04.12.09й. №14926). Бошлангич баҳоси – 1 272 142 сўм.

IV. Аукцион савдосига Бекобод тумани СИБ томонидан, Бекобод т., "Ешлик" ХХСКда сақланаётган қўйилмоқда: 1. "Камаз-5511" русумли, д/р 11AQ998, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 27.10.09й. №8520). Бошлангич баҳоси – 17 273 247 сўм. 2. "Дэу Тик" русумли, д/р О 0928 М, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.11.09й. №9217). Бошлангич баҳоси – 4 401 282 сўм. 3. "Опель-Омега" русумли, д/р 30W5138, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 25.06.09й. №8585). Бошлангич баҳоси – 3 464 719 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 26 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Талабдорлар диққатига! Юқоридаги мол-мулклар 2010 йил 26 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мол-мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 16 февраль куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек, 2010 йил 12 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран қўйилган мулклар қўйилмоқда:

V. Бўша тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан Бўша тумани ДОИ ҳудудида сақланаётган: 1. "GA3-31028" русумли, д/р Z721MBM бўлган, 1993 йилда и/ч автотран-

порт воситаси (ижро ҳужжати 22.12.08й). Бошлангич баҳоси – 4 381 672,42 сўм. 2. "Тик" русумли, д/р С481СRM бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 10.12.08й). Бошлангич баҳоси – 5 196 471,06 сўм.

Юқорида кўрсатилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокчида бевосита жойига қиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тўхтатиб қалқат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБНИНГ ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Савдо ф-даги қўйилган хисоб рақамига тўлаш шарт: 20210000300571452114, МФО 0103, ИНН 200933850. Қўйилган мол-мулклар аукцион савдосидан олиналганлиги маълум қилади: Зангиота тумани СИБ томонидан тақдир қилиниб, "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 11.11.2009 йилдаги 90 (12.06)-сон ва "Солиқ ва Божхона хабарлари" газетасининг 16.11.2009 йилдаги 46 (798)-сонидида чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдосига чиқарилган, "Гидравлика" ОАЖга қарашли Маъмурий бинининг 2-3 қаватлари ва Инструменталний цех биноси аукцион савдоларидан олинди. Савдодан олишга асос: Зангиота тумани СИБнинг 16.12.2009 йилдаги 17309-сонли хати. Манзиллими: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Урзобоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

Юнусбод тумани Тadbirkorлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 26.09.2008 йилда № 004129-10 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 300947861) "OSCAR SAVDO BIZNES" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дон бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзиллими:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот
бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Набатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Набатчи
Улғабек ҲАМРОКУЛОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ